



**YOSHLAR ISHLARI**  
AGENTLIGI



**O'ZBEKISTON**  
**YOSHLAR**  
ITTIFOQI



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРARO  
МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚУМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ИСЛОХОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

мавузисидаги Халқаро илмий-амалий конференциясида фаол иштирок этганлиги учун

**МУРТАЗАЕВ ШАҲОБИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ**

**СЕРТИФИКАТ**

билан тақдирланади

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар маҳкамаси  
хузуридаги Миллатларaro  
муносабатлар ва хорижий  
мамлакатлар билан дўстлик  
алоқалари қўмитаси раиси  
**Р.Ж. Курбанов**

Ёшлар ишлари  
агентлиги  
директори  
**А. Саъдуллаев**

Ўзбекистондаги Шанхай  
ҳамкорлик ташкилотининг  
халқ дипломатияси маркази  
директори  
**К. Софиров**

Ўзбекистон  
Ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
раиси в.б.  
**Ш. Зайниддинов**

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университети ректори  
**И. Маджидов**

“Ўзбекистон-Франция”  
дўстлик жамияти  
ижрочи директори  
**Р. Ширинова**



№ 041  
17.06.2021



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ  
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК  
ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИТ МАРКАЗИ  
“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА:  
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ,  
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**мавзусидаги Халқаро илмий-амалий  
анжуман тўплами**

*2021 йил 17 июнь*

**“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари // Тошкент, 2021 йил 17 июнь. – 441 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155 Фармони, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358 сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сон Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази, “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти ҳамкорлигида **“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Мазкур анжуман тўпламида юзга яқин мақолалар жамланган.

**Масъул муҳаррир** – Р.Х.Ширинова – фил.ф.д., профессор (ЎзМУ)  
Н.А.Шермухамедова - ф.ф.д., профессор (ЎзМУ)

**Таҳрир хайъати** – А.Утамуратов – ф.ф.н., профессор (ЎзМУ)  
Н.Б.Абдуллаева ф.ф.д., профессор (ЎзМУ);  
О.Дж.Нишоновна ф.ф.д., профессор (ЎзМУ);  
Б.Х.Жалилов – ф.ф.н., доцент (ЎзМУ)  
Қ.А.Абдурахимов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
У.А.Маҳкамов – фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
Ф.Ф.Бозарова - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
А.Х.Холмахматов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
Ю.М.Намозова – фалсафа доктори (PhD) (ЎзМУ)  
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)  
А.С.Туракулова – ўқитувчи (ЎзМУ)  
У.М.Менгликулов – ўқитувчи (ЎзМУ)  
М.Т.Хидиров – ўқитувчи (ЎзМУ)  
Б.М.Ялгашев – таянч докторант (ЎзМУ)

*Мақолаларнинг тўғри ва аниқлигига муаллифлар масъулдир.*

© Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

---

**Муртозаев Шаҳобиддин**

*Бухоро Давлат университети ўқитувчиси*

## **АБУ ҲАФС УМАР СУХРАВАРДИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ЁШЛАР ОНГИНИ ЎСТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Мамлакатимизда аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда зеро “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”[4].

Шарқ маънавий меросида ўзига хос ўрин эгаллаган Шаҳобиддин Умар Сухравардий 1145 йилда Эроннинг “Сухравард” қишлоғида дунёга келган. 1160-1161 йилларда 16 ёшида илм излаб, ўша даврда илм- маърифат маркази ҳисобланган Боғдод шаҳрига келган. Мутасаввиф узоқ умр кўрган, ҳаёти давомида олти Аббосий халифалар қўл остида хизмат қилган. Булар: Муқтафий Биллоҳ (1136-1160й.), Мустанжид Биллоҳ (1160-1170й.) Мустазий Биллоҳ (1170-1180й.) Носир-ад-диналлоҳ (1180-1225й.), Зоҳир Биллоҳ (1225-1226й.) ва Мунтансир Биллоҳ (1226-1243й.) [3-80]. Сухравардий, Аббосийлар сулоласи таназзулининг шоҳиди бўлган.

Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн Абдуллоҳ ас-Сухравардийнинг асли исми Умар, отасининг исми Муҳаммад бўлган. У Абу Ҳафс, Абу Абдуллоҳ номлари билан ҳам машҳур бўлган. Шунингдек, “Шихобиддин” ёки “Шайхул ислом”, “Шайхул орифин” номлари билан ҳам у кишига нисбат берилади. Сухравардийнинг шажаравий силсиласи халифа Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Шу сабабли баъзи манбаларда у киши “Ал-Бақрий”, “Ат-Таймий” ва “Ал-Қурайший” тарзида ҳам келтирилади. Афлокий Умар Сухравардийнинг Абу Бакр Сиддиққа боғлиқлигига муносабат билдириб, унинг мавлоно Жалолиддин Румий билан қариндош бўлганлигига эътибор қаратади [6, 45].

Ибн Заҳабий Ибн ул-Ҳожиб фикрига таяниб, Сухравардий, Абул Фароҳ ибн ул-Жавзий бир шажарадан эканлигини таъкидлайди. Сухравардийнинг аждодлари шажараси Абу Бакр Сиддиқ, Султон Бақриддин, Саййид Муҳаммад, Муҳаммад Қосим Шайх, Шайх Абдурахмон, Саййид Қосим Қутбул-Ахтоб, Саййид Муҳаммад Назир, Шайх Саййид Қосим, Саййид Ҳусайн Шайх, Абдулла Саййид Шайх, Саййид Муҳаммад Абдулла Шайх, Шайх Абдуллоҳ Муҳаммад, Муҳаммад Шайх Ғовсил Сақлин Аъзам, Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардийдан иборат.[2,35-36]

Абу Ҳафс Умар Сухравардий улуғ насабга эга бўлган оиладан эди. Сухравардий оиласидан бир нечта сўфийлар ва уламолар етишиб чиққан булиб, улар қуйидагилардир:

Абу Нажиб Зиёуддин Абдулқодир ас-Сухравардий “Нахж ус-Сулук” (Йўл кўрсатувчи\*) асарининг муаллифи бўлиб, Сухравардийга амаки ва устоз эди. Сухравардийнинг отаси Абу Жафар Муҳаммад ас-Сухравардий, бобоси эса, Абдуллоҳ Саъд Аммои эди.[7,108]

Отаси Абу Жафар Муҳаммад, Сухраварддан бориб Боғдоддаги Низомия мадрасасида Асад ал-Михоний устозидан фикҳ илми бўйича таълим олган ҳамда бир муддат Низомия мадрасасида мударрислик қилган. Шу билан бир вақтда “Каср” жомеъ масжидида воизлик қилиб ваъзлар ўқиган. Баъзи манбаларда Абу Жафар Муҳаммад Сухравардийнинг қози лавозимида ишлагани ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Абу Жафар Муҳаммад Сухравардда қозилик қилган даврида тухматга учраб ўлимга ҳукм қилинган. Шаҳобиддин Умар Сухравардий бу пайтда туғилганига олти ойлик бўлган эди. Сухравардийнинг Боғдодда Абдул Малик Муҳаммад исмли бошқа онадан туғилган укаси борлиги манбаларда келтирилади[6, 139].

Сухравардийнинг ҳаётида амакиси Абу Нажиб ас-Сухравардий муҳим ўрин эгаллаган. Сухравардийнинг “Авориф ул-маориф” (“Маърифат тухфалари”\*) асарида амакиси ҳақидаги жуда кўп маълумотлар ўз ифодасини топган. “Сухравардий номи билан машҳур бўлган яна бир аллома борки, уни кўпчилик Умар Сухравардий билан қариндош деб ўйлайди. Бироқ улар ўртасида ҳеч қандай қариндошлик алоқаси йўқ. Бу аллома Яҳё Ҳабаш ал-Мақтул (1154-1190) бўлиб танқидий фикрлари учун Ҳалабда 1190-йилда қатл этилган”[9,345]. Шунинг учун уни ал-Мақтул ( “қатл қилинган” деган маънони беради) деб аташган.

Сухравардий Боғдодда калом, фикҳ, тафсир, ҳадис ва тасаввуф илмларидан таҳсил олган. Манбаларда Сухравардийнинг ҳадис илмида камолга етганлиги қайд этилган.

Шаҳобиддин Сухравардий тасаввуф таълимини аввал амакиси Абу Нажибдан, сўнг Абдулқодир Жилонийдан олган. Шу билан бирга ўз даврининг йирик шайхлари билан ҳам жуда кўп суҳбатда бўлган.

Ибн-ул Нажжор қарашларига таяниб ёзилган асарларда Сухравардийнинг бир муддат узлатга чекингани ҳақида айтилади. Бу пайтда аллома намоз, рўза ва зикр билан машғул бўлиб, ёши улғайиб камолга етгандан сўнг Дажла дарёси соҳилига яқин бўлган мадраса ва хонақоҳда ваъз ўқишни бошлайди. Мутасвиффнинг тенгсиз даражадаги сўзларидан таъсирланган халқ орасидан унинг мухлислари ортиб борган.

1194-йили Макбар маҳалласидаги тупроқли бир минбар устида маъруза қилгани ҳақидаги ривоятда, унинг муршидлик (тўғри йўлни кўрсатувчи\*)

даражасига етгани айтилади. Мутасаввифнинг халқ орасида танилиши халифа Носир каби кишиларнинг уни зиёрат қилишга келишига сабаб бўлган. Бундан ташқари Ибн-ус-Саийнинг "Зухҳод" (Зоҳидлар\*) номли асарида халифанинг Боғдоддаги Марзабанийя номли хонақоҳда Сухравардий билан кўп бора суҳбатларда бўлгани ҳақидаги маълумотлар келтирилган. "Мисбаҳ ул Ҳидоя" (Ҳидоят чироғи\*) муаллифи Изуддин Али ал-Коший Халифанинг ўз номига курдирган хонақоҳига Сухравардийни шайх этиб тайинлаганини ёзади[8-98]. Манбаларда Носирия, Бистомия ва Маъмуния хонақоҳларида ҳам Сухравардий шайх сифатида фаолият олиб боргани таъкидланади.

Шаҳобиддин Сухравардий Аббосий халифалар ва бошқа мусулмон мамлакатларида юқори мавқега эга бўлган. Халифалар ва халқ томонидан эъзозланган. Боғдодда муридларининг кўплиги сабабли бошқа мамлакатларда ҳам унинг шуҳрати ортиб борган. Халифа Носир заифлашган, Бағдод бошқарувини таъминлашда ва Салжуқийлардан кейинги мураккаб вазиятни ўз қўлига олишда Сухравардийнинг салоҳияти ва халқнинг унга бўлган ҳурмати билан фойдаланган. Сухравардий Шом (Сурия)даги Айюбий султони Малик Ашраф билан бир неча бор учрашган. Хоразмшоҳ султони билан учрашиб, унинг Боғдодга ҳарбий сафарини тўхтатишга ҳаракат қилган. Сухравардий Арбил Отабек (1146-1232 йилларда Эрбилда ташкил топган бейликнинг ҳукмдори Кўк бўри 1232 йилда вафот этган. Бейликнинг ўз меросхўри бўлмагач, Аббосийларга қўшилган.) ларига ҳам элчи сифатида ташриф буюрган эди.

Сухравардий ҳижрий 618 (мелодий 1221йил) йилда Кўниё Салжуқийлар султони Алоуддин Кайкубодга халифа Носир хабарини олиб келган. Саёҳати даврида Нажмиддин Дая билан кўришиб, унинг "Мирсод-ул-Ибод" (Бандаларга қўйилган тузоқ\*) номли асари қўлёзмасини ҳадя тариқасида қабул қилган. Китобдан кўнгли тўлган Сухравардий уни Алоуддин Кайкубодга тақдим этган.

Сухравардий Кўнёга келганида Султон Кайкубод Гавале қалъасида бўлиб, у ерга Султон ул-Уламо сифатида улуғланган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валадни бирга олиб кетган. Халифадан хабар келтирган Сухравардий ҳақида эшитгач, Султон уни ҳам Гавале қалъасига олиб келишларига амр беради. Гавале қалъасида Кайкубод билан расмий учрашувдан сўнг, Сухравардий Баҳоуддин Валаднинг меҳмони бўлган. Ўз вақтида Балхдан Боғдодга келган Баҳоуддин Валад ҳам у ерда Сухравардий билан танишиб унинг меҳмони бўлган эди. Ҳар икки томоннинг бир бирига ҳурмат кўрсатишига сабаблардан бири - ҳар иккисининг Абу Бакр авлоди бўлганликларида эди. Ўша вақтда ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги ўспирин Румий ҳам ушбу учрашув шоҳиди бўлган, деган тахминни илгари суриш мумкин.

Шаҳобиддин Кўнёда эканлигида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий билан ҳам учрашади ва учрашув пайтида ўзаро суҳбат бўлмаганлигининг сабабини сўраганларга "Ҳол аҳли ёнида қол тили эмас, ҳол

тили лозимдир", шаклида жавоб беради[6-74]. (Ички қалб кўзига эга бўлган кишилар олдида бундай кўзга эга бўлмаган инсонларнинг бўлиши мумкин эмас. Ш.Б)

Сухравардий умри давомида деярли ҳар йили ҳаж сафарига борган. Манбаларда энг сўнгги ҳаж сафари 628 ҳижрий(милодий 1230 й.) йили кўрсатилган бўлиб, ушбу сафар чоғида машҳур мутасаввиф шоир Ибнул-Фарид билан кўришган ва унинг икки ўғлига тариқат ҳирқасини кийдиришга бош бўлган. Сухравардий Маккада эканлигида "Илам ул-Худа ва ақидату арбаб-ит туқа" ("Хидоят хабари ва тақво арбобларининг ақидаси"\*) номли асарини ёзиб тугаллаган.

Тафаккур тарихидан маълумки, XIII аср тариқатларнинг пайдо бўлиш даври бўлган. Шу маънода Сухравардий тариқат шайхларининг кўпчилиги билан замондош бўлган. Аҳмад ар-Рифоий, Аҳмад Яссавий, Абу Майдон ал-Мағрибий, Нажмиддин Кубролар шулар жумласидандир. Ибн Арабий, Баҳоуддин Валад, Ибн-ул-Фарид каби йирик дин уламолари ҳам Сухравардийнинг замондошлари эди.

Сухравардийнинг Ибн Арабий билан Боғдодда учрашганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бор. Ибн Арабийдан Сухравардий ҳақида сўралганда: "Бошдан оёғига қадар суннат билан тўлган"[5-71 ] деб таъриф берган. Ўз навбатида Сухравардий ҳам Ибн Арабий ҳақида сўраганларга: "Ҳақиқат дарёси каби бир зот"[6-4 ] дея унга таъриф берган. Ибн Арабийнинг тариқат нисбаси Абдулқодир Жийлонийга боғланади. Сухравардий ҳам Жийлонийнинг шогирди бўлгани туфайли бу томондан ҳам боғлиқлик бўлиши табиийдир.

Мутасаввиф Сухравардийнинг яна бир замондоши Асл исми Умар Али бўлган Ибнул-Фарид бўлиб, у "Султон ул ошиқин" номи билан машҳур эди. Қохирада туғилгани учун уни "Мисрий",- деб ҳам атар эдилар. 1230 йилда Сухравардий ва ибнул-Фарид Маккада учрашади. Сухравардий Ибнул-Фариднинг шеърлятидаги тасаввуфий тусдаги шеърларидан жуда таъсирланганлиги манбаларда келтирилган. Сухравардийнинг кўп чуқур фалсафий маънога эга бўлган шеърлари Ибнул-Фарид ижодидан таъсирланиши натижасида ёзилган.

Ҳаёти давомида катта шухратга эришган Сухравардий умрининг сўнгги йилларини зиёратга келганлар билан ўтказган. Маълумотларга қараганда Сухравардий умрининг сўнгги даврларида кўриш қобилятини йўқотган. Шунга қарамай, жума намозида шогирдларининг ёрдами билан ваъз ўқишни тўхтатмаган. Вафотига яқин кунларда эса тўшакка миҳланиб, жуда ҳам озиб кетган ва 1234 йил 26 ноябр куни оламдан ўтган. Вафотининг эртаси куни унинг жаназаси катта жамоа иштирокида ўтиб уни Боғдод ташқарисидаги хонақоҳга дафн қилганлар. Кейинчалик Салжуқий амири бўлган Жалолиддин Қоратой

Сухравардий қабри устига мақбара қурдиртириб, у жойни зиёрат масканига айланттирган.

Сухравардий жуда инсонпарварлиги билан машҳур бўлиб, бутун умри давомида йиғилган маблағ, берилган ҳадя ва совғаларни эҳтиёжмандлар ҳамда дарвешларга тарқатиб берган. Шу сабаб вафотидан кейин унинг уйдан ҳатто кафанлик мато ҳам топилмаган деган маълумотлар келтирилади.

Сухравардийнинг маънавий мероси жуда бой бўлиб, ундан кўпгина асарлар қолган. Мутасаввифнинг энг машҳур ва бизгача етиб келган асарларидан бири “Авориф ул-маъориф” (“Маърифат тухфалари”) асари бўлиб, қуйида ушбу асар ҳақида қисқача маълумот берамиз:

“Авориф ул-маъориф” (“Маърифат тухфалари”)[1] асарини тасаввуфий-фалсафий қарашларга оид асар дейиш мумкин. Асосан ушбу асар туфайли мутасаввиф номи абадийлашган. Тариқат даврига оид илк асарлардан бири бўлган бу асар ўзидан олдин қаламга олинган Абу Бакр Калободийнинг “ат-Таъаруф би мазҳаби аҳли тасаввуф” (Тасаввуф аҳли мазҳаблари билан таништириш\*), Абу Толиб ал-Маккийнинг “Қут ул-қулуб” (Қалбларнинг қуввати\*), Кушайрийнинг “Рисола фи-тасаввуф”, Ғаззолийнинг “Ихё и-улумиддин” асарлари каби тасаввуф ғояларини ёйиш ва тушунтириш мақсадида ёзилган. Сухравардий “Авориф ул-маъориф” асарида тасаввуфнинг тафаккурий жиҳатларидан кўра унинг амалий жиҳатларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Шунинг учун “биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”. Бу борада Сухравардийнинг жаҳон миқёсида эътироф этилган ёшлар тарбиясига оид соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмунини илмий-назарий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон



Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Ҳафс Умар Сухравардий тарихнинг энг зиддиятли даврида яшаб ижод қилган аллома бўлиб, ушбу зиддиятли даврнинг ижтимоий тафаккур шакли бўлган тасаввуф таълимотининг ёрқин намояндаси даражасига кўтарилган ва ўзининг чуқур фалсафий маъноли тафаккур илмини яратган. Бугунги кунда ушбу илм ёшлар учун тўғри йўлдан адашмасликда ёки ўз йўлини топа олишда хизмат қила олади. Шу нуқтаи назардан алломанинг Авориф ул-маъориф” (“Маърифат тухфалари”) (А.А. Болтаев таржимаси) асари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу асар юртимизда ҳали ўрганилмаган. Биз тадқиқотимизда ушбу асарни таҳлилий ўрганишга ва ундан кенг жамоатчиликни хабардор қилишни мақсад қилиб кўйдик.

#### Адабиётлар:

1. Бухоро Давлат музей кўриқхонаси 21125/11 рақамли “Авориф ал-маориф” асар қўлёзмаси .Ҳижрий 1133, милодий 1721 йили, Абулғоний хаттот.
2. Озод Шомансур “Шайх Зайниддин қўйи Орифон Тошкандий” рисола. Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2006.-Б 35-36.
3. Шодмон Воҳидов, Алишер Қодиров ”Шарқнинг машҳур сулолалари” Т:Академ нашр.2013.-Б. 80.
4. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // - Тошкент, 2017. Халқ сўзи. № 196 (6860
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 октябрдаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Тошкент 2016й.
6. Corbin, Henry, Alone with the Alone: Creatve Imaginaton in the Sûfism of Ibn ‘Arabi, Princeton Universty Press, New Jersey 1998, s.71
7. Eflakî, Menâkibü'l-Ârifn, nşr. Tahsin Yazıcı, Ankara 1947, c.1, s. 45.
8. ez-Zehebî, Târih, c. IV, ss.97-8; A'lâmü'n-Nübelâ, c. XXII, s. 375; el-İsfehânî ve İbnü'l-Cevzî, Sahabeden Gü-nümüze Allah Dostları, İstanbul 1985, Şule Yay., c. VII, s. 108.
9. ez-Zehebî, Târih, c.IV, s. 98; A'lâmü'n-Nübelâ, c. XXII, s. 375; Sühreverdi, Avârif, (Giriş) s. XVII
10. İbn Hâllikân, Vefâyât, c.II, s. 345; Corbin, Henri, La 2Philosophic Shahabaddin Sohrawardi Maqtul, Paris 1935, s. 21; Cebecioğlu, “Avârif”, y.5, sy.12, s.1; Walbridge, John, Wisdom of the Mystic East the: Suhrawardi and Platonic Orientalism State of University of New York Pres, New York 2001, s. 2;
11. İbnü'n-Neccâr, Müstefad, c. XVI, s. 139.

**Мусурмонкулов Ойбек**

*Республика Маънавият ва маърифат маркази  
мустақил изланувчиси*

## **МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИКАНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Миллий қадриятлар халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Республикамиз худудида яшовчи ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданияти мавжуд бўлиб, бу маданият миллийликни ифодалайди. Ўзбек оилаларда миллий ўзига хосликнинг хулқ-атворда, шахс сифатларида ва оилавий муносабатларда қанчалик акс этиши, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Миллий қадриятлар ҳақида сўз борганда миллий байрамларни, анъанавий байрамларни жамият ва инсон ҳаётида ўрни, улғайиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги роли алоҳида аҳамиятга молик масала эканлигини ёдда тутмоғимиз лозим.

Энг қадимги даврлардан урф-одат, анъана ва байрамлар инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зеро уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир. «*Байрам халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир*», - деган эди Шарқнинг буюк олими Махмуд Қошғарий.

Дарҳақиқат, миллий анъаналар, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтилган йўлни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан рухланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

Байрамларни нишонламайдиган шахс, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ҳам ўз байрамлари бўлади. Кейинги даврларда халқаро даражада нишонладиган умуминсоний байрамлар тобора кўпаймоқда.

Ўрта Осиё халқлари жумладан, ўзбекларнинг ҳам энг қадимий даврлардан шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган анъана ва удумлари кўп. Бу байрамларнинг маълум қисми тарихнинг «совуқ шамоллари»- босқинчилик сиёсати ва турли ҳукмдорлар тазйиқига учраб, ноҳақ йўқотилган, айримлари эса қарама-қаршилиқларни енгиб, кўпгина фазилатлардан ажралсада, бутунлай йўқолиб кетмаган. Баъзилари эса халқ ҳаётидан мустақам ўрин олиб, бизнинг замонамизгача етиб келган.

Азалдан меҳмондўст саналган ўзбек халқининг миллий удумлари, байрамлари бошқа эллар билан тарихий-маданий алоқалар жараёнида ривож

---

<b>Муртозаев Шаҳобиддин.</b> Абу Ҳафс Умар Сухравардий маънавий мероси ва унинг ҳозирги замонда ёшлар онгини ўстиришдаги аҳамияти.....	183
<b>Мусурмонкулов Ойбек.</b> Миллий кадриятлар ва ижтимоий-педагогиканинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.....	189
<b>Muxtorov Mirsaid.</b> O'zbekistonda oliy ta'lim tizimini modernizatsiyalash va bunda xalqaro tajribadan foydalanish.....	197
<b>Нишанова Лола.</b> Тилнинг бой имкониятларини ўрганиш - юксак маънавият сари қадам.....	201
<b>Нишонова Озода.</b> Миллий маънавият ривожда этномаданият фанининг ўрни.....	206
<b>Нурмухамедова Севара.</b> Ёшларда медиа-маданият ва медиа-таълимни шакллантириш асослари.....	210
<b>Одилов Ёркин.</b> Основные идеи и принципы преподавания физики в технических вузах.....	215
<b>Parpiyev Asrorbek.</b> Xalqaro reytingda xalqaro hamkorlik xalq diplomatiyasining o'rnini.....	218
<b>Ражабов Шухратжон.</b> Кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжларининг нафосат фалсафаси билан уйғунлиги.....	221
<b>Райимкулов Алишер, Мухторов Мухаммадюнус.</b> Маънавий ўзликни асраш учун мафкура ва миллий ғоя генезисига тизимли ёндашиш зарурияти.....	226
<b>Расулова Гулбаҳор.</b> Янги ўзбекистон: ёшларга эътибор – таълимдан бошланади.....	230
<b>Рахимджанова Дилнавоз.</b> Юнон фалсафасини ўрганишнинг методологик асослари.....	240
<b>Рахматжонова Камола.</b> Миллий маънавиятни ривожлантиришда тилшунослик типологиясининг аҳамияти.....	246
<b>Рахматуллаева Гавҳар.</b> Медиа-технологиялар воситасида миллий тарбияни беришнинг мавжуд технологияси.....	249
<b>Рустамов Мақсуд, Қудратова Феруза.</b> Ўқув жараёни самарадорлигида халқаро тажрибаларга асосланган кредит-модуль тизимининг ўрни.....	255
<b>Sadiqova Roza.</b> O'zbekistonda muhandislik ta'limini rivojlantirishning muammolari.....	264
<b>Салимбеков Нодирбек.</b> Бобурийлар сулоласини ўрганишда «Ойини акбарий» асарининг тутган ўрни.....	268
<b>Sattorov Musurmon.</b> Ijtimoiy ekologiya muammolarini hal etishda fandagi zamonaviy transformatsiyalar.....	271
<b>Содиржонов Мухриддин.</b> Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий интеграциялашувида этносociологик тадқиқотларнинг долзарблиги.....	276
<b>Сабиров Кабулжон.</b> Народная дипломатия, сотрудничество общественных структур в рамках Шанхайской организации сотрудничества.....	282

---